

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ХУДАЙКУЛОВ РАШИДБЕК МАНСУРЖАНОВИЧ

**ШЎРЛАНГАН ГРУНТЛИ ЙЎЛ ПОЙИ КЎТАРМАСИНИНГ
ҲИСОБИЙ ТАВСИФЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.09.02 - Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари.
Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Худайкулов Рашидбек Мансуржанович

Шўрланган грунтли йўл пойи кўтармасининг ҳисобий тавсифларини
асослаш 3

Худайкулов Рашидбек Мансуржанович

Обоснование расчетных характеристик засоленных грунтов насыпей
земляного полотна 23

Hudaykulov Rashidbek Mansurjanovich

Substantiation of calculated characteristics of embankments of earthen cloth from
saline soils.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ХУДОЙҚУЛОВ РАШИДБЕК МАНСУРЖАНОВИЧ

**ШЎРЛАНГАН ГРУНТЛИ ЙЎЛ ПОЙИ КЎТАРМАСИНИНГ
ҲИСОБИЙ ТАВСИФЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.09.02 - Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари.
Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1PhD/Т.17 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент автомобиль йўллариини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tayi.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каюмов Абдубаки Джалилович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хожметов Гайбназар Хадиевич
техника фанлари доктори, профессор

Қаландаров Тошпулат Хасанович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўллариини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги DSc.27.06.17.Т.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «31» март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел./факс:(99871) 232-14-79, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўллариини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (173 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел.: (99871) 232-14-79.

Диссертация автореферати 2018 йил «14» март куни тарқатилди.
(2018 йил «14» март даги 8- рақамли реестер баённомаси).

А.А. Рискулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.М. Бобоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.н

А.А. Ишанходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Шўрланган грунтларни автомобиль йўллари лойиҳалаш ва қуришда фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар Тинч, Атлантика, Хинд уммонлари ва кўплаб денгизларнинг қирғоқ бўйларида тарқалган. Шўрланган грунтларда иншоотларнинг асослари сифатида Австралия, Америка қўшма штатлари, Мексика, Миср, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Россия, шунингдек, Европанинг бир қатор давлатларида фойдаланиб келинмоқда. Шу жиҳатдан ҳам шўрланган грунтларнинг хоссаларини ўрганиш, хусусан, улардан қурилган йўл пойи кўтармасининг турғунлигини баҳолаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Жаҳонда автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнларида йўл пойидаги шўрланган грунтларни мустаҳкамлик кўрсаткичларини асослаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада, жумладан шўрланган грунтли йўл пойи ишчи қатламининг сув-иссиқлик тартиби бўйича уларнинг ҳисобий тавсифларини асослаш учун конструктив ечим ишлаб чиқиш, мавжуд автомобиль йўллари пойидаги шўрланган грунтларнинг хоссаларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, бундай грунтларнинг ҳисобий тавсифларини асослаш, уларнинг хоссаларини юза-фаол моддалар билан сунъий яхшилаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг йўл пойи ҳисобий кўрсаткичларига таъсирини олдиндан башоратлаш бўйича мавжуд усулларни такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда ҳозирги кунда транспорт-коммуникация тизимларини, жумладан, автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнларида иш сифатини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш,...»¹ вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун, жумладан, шўрланган грунтли йўл пойи ишчи қатламининг сув-иссиқлик тартиби бўйича уларнинг ҳисобий тавсифларини асословчи конструктив ечим ишлаб чиқиш, унга асосан кўрсаткичларни аниқлаш бўйича функционал боғлиқликлар ва намликни аниқлаш усулларини такомиллаштириш, шўрланган грунтларнинг хоссаларини яхшилаш учун мавжуд юза-фаол моддалар асосида «Битумли эмульсия» барқарорлаштирувчи моддасини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, йўл пойи қатламларининг механик кўрсаткичларини яхшилаш асосида унинг мустаҳкамлигини ошириш, транспорт воситаларидан тушадиган юкламани ҳисобга олиб, янги транспорт магистралларини қуриш

¹2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ва уларни эксплуатация қилиш даврида қайта таъмирлаш муддатини қисқартирувчи усулларини такомиллаштириш долзарб масалалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сон «Йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сон «Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат кўмитасини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 мартдаги 166-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланиши устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Геология-минералогия, сейсмология, сейсмик барқарорлик, гидрометрология, хавфсизлик ва фавқулодда вазиятлар муаммолари» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Автомобиль йўлининг шўрланган йўл пойига таъсир этувчи грунтлар таркибидаги тузларнинг миқдори ва турини ўрганиш ҳамда уларнинг ҳисобий кўрсаткичларига таъсирини моделлаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари, университет ва илмий тадқиқот институтларида, жумладан: Department of Infrastructure, Planning and Natural Resources (Австралия), Guide to the Prevention and Repair of Salt Damage to Roads and Runways (Африка), International Journal of Pavement Research and Technology (Хитой), Magazyn Autostrady, Budownictwo drogowo-mostowe (Польша), Россия автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти (РосдорНИИ), Москва автомобиль йўллари институти (МАДИ-ТУ), Қозоғистон автомобиль йўллари илмий тадқиқот институти (КаздорНИИ), Белоруссия Давлат техника университети (БГТУ), Киев автомобиль йўллари институти (КАДИ) да олиб борилмоқда.

Шўрланган йўл пойи таркибидаги тузлар миқдори ва турини, грунтнинг физик-механик хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича дунё ва юртимизнинг йирик тадқиқотчилари: Braja M.D., David G.P., Kuhn W., Neal B.G., Бабаханов П.Б., Бабков В.Ф., Безрук В.М., Бартоломей И.Л., Грот А.И., Иерусалимская М.Ф., Илёсов Н., Каландаров Т.Х., Карпов Б.Н., Карпушко М.О., Каюмов А.Д., Кузнецов Ю.В., Кулижников А.М., Ликов В.А., Мордович С.С., Мотылев Ю.Л., Налетова Н.С., Ольховиков В.М., Рождественский Е.Д., Расулов Х.З., Роговская Н.В., Сергеев Е.М.,

Сиденко В.М., Сухоруков А.В., Ступакова Л.Ф., Ушаков В.В., Ҳасанов А.З., Шульгина В.П. ва бошқалар томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Бугунги кунда амалдаги МҚН 44-2008 ва МҚН 46-2008 меъёрий ҳужжатларда шўрланган грунтлардан иборат кўтарма тузилмаларини лойиҳалашда, тузларнинг тури ва миқдорини, уларнинг механик ва деформацион хоссаларига таъсирини ҳисобга олмасдан, гилли грунтларники каби белгиланмоқда. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, ҳозирги пайтда мавжуд шўрланган грунтли йўл пойи кўтармасининг ҳисобий кўрсаткичлари етарли даражада ўрганилмаган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент Давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-5-039 «Ўзбекистон шароитида лёссимон грунтлардан фойдаланиб йўл кўтармасининг қулай тузилмасини ишлаб чиқиш», ИТД-14-09 «Грунтларнинг сув-тузли режимининг транспорт иншоотлари асосига таъсирини баҳолаш ва уларнинг турғун тузилмаларини ишлаб чиқиш», ОТ-А14-24 «Такрорий юклар таъсири остидаги грунтларда автомобиль йўли пойининг барқарор тузилмаларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табиий ва барқарорлаштирилган шўрланган грунтли йўл пойи кўтармасининг ҳисобий тавсифларини асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шўрланган грунтли йўл пойи ишчи қатламининг сув-иссиқлик тартиби бўйича уларнинг ҳисобий кўрсаткичларини асослаш учун конструктив ечим ишлаб чиқиш ва шу асосида кўрсаткичларни аниқлаш бўйича функционал боғлиқликлар ва намликни аниқлаш усулини такомиллаштириш;

лаборатория шароитида тузларнинг миқдори ва турини ҳар хил намлик ва зичликдаги шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш усулини механик ва деформация хоссаларини аниқлаш орқали такомиллаштириш;

шўрланган грунтларнинг хоссаларини яхшилаш учун мавжуд юза-фаол моддалар асосида «Битумли эмульсия» барқарорлаштирувчи моддасини ишлаб чиқиш;

дала шароитида мавжуд автомобиль йўллари кўтармасидаги шўрланган грунтларнинг хоссалари, зичлиги ва намлигини баҳолаш усуллари мавжуд усуллар асосида такомиллаштириш;

табиий ва барқарорлаштирилган шўрланган грунтларнинг ҳисобий тавсифларини шўрланганлик даражасига асосан такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги шўрланган грунтлардан иборат автомобиль йўллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети табиий ва барқарорлаштирилган шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида табиий ва барқарорлаштирилган шўрланган грунтларнинг зичлик-намлик нормалари ва ҳисобий

кўрсаткичларини ўрганиш лаборатория ҳамда тажриба йўл бўлакларида олиб борилди. Уларнинг натижаларини қайта ишлашда олий математиканинг фундаментал қонун-қоидалари, математик статистика, экспериментларни ўтказиш усуллари, эксплуатация шароитини имитация қилиб экспериментларни ўтказиш усули, графо-аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шўрланган грунтлардан иборат йўл кўтармаларининг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш учун мавжуд конструктив ечимлар такомиллаштирилган;

шўрланган грунтлардан қурилган йўл пойи ишчи қатламининг кўрсаткичларини унинг таркибидаги тузларнинг миқдори ва турига нисбатан функционал боғлиқликлари аниқланган;

шўрланган грунтларнинг намлигини аниқлаш усули йўл пойи кўтармасидаги грунтларнинг мавжуд намлигини ўрганиш орқали такомиллаштирилган;

шўрланган грунтларнинг структуравий боғлиқликлари ва хоссаларини юза-фаол модда ёрдамида яхшилаш усули мавжуд грунтларни барқарорлаштирувчилар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тузларнинг миқдори ва турининг шўрланган грунтларга оид ҳисобий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш усули дала ва лаборатория шароитида грунтларнинг деформация ва мустаҳкамлик кўрсаткичларини аниқлаш орқали такомиллаштирилган;

шўрланган грунтлардан иборат йўл кўтармаси хоссаларини яхшилаш учун «Битумли эмульсия» юза-фаол моддаси ишлаб чиқилган;

автомобиль йўлларидаги шўрланган грунтларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларини аниқлаш учун бир юзали кескич ускунаси такомиллаштирилган;

табiiй ва барқарорлаштирилган шўрланган грунтлардан иборат йўл кўтармасининг ҳисобий кўрсаткичларини белгилаш учун йўриқномалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган илмий ва амалий тадқиқотлар грунтшунослик ва грунтлар механикасининг фундаментал қонун-қоидаларига асосланганлиги, тажрибавий тадқиқотларни ўтказишда замонавий услуб ва воситалар қўлланилганлиги, улардан олинган натижаларнинг бир-бирига мослиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган табиий ва барқарорлаштирилган шўрланган грунтларнинг синов натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шўрланган грунтлардан иборат йўл кўтармаси ишчи қатламининг ҳисобий кўрсаткичларини, зичлик ва намлик нормаларини, шўрланиш даражасини инобатга олувчи конструктив ечим ва

функционал аналитик боғлиқликлар ишлаб чиқилганлиги ва йўл тўшамаси тузилмасининг ҳисоблаш назарияси ривожлантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий шўрланган грунтларнинг зичлик ва намлик нормалари, шўрланиш даражаси ва ҳисобий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда йўл кўтармаси ва тўшама тузилмасини белгилаш йўл кўтармасининг баландлигини камайтиради ва тўшаманинг хизмат муддатини узайтиради, шунингдек, уларнинг хоссаларини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шўрланган грунтлардан иборат йўл кўтармаларининг ҳисобий кўрсаткичларини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога оид патенти олинган («Битумли эмульсия» №IAP 05276-2016 й.). Натижада Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфидаги бир нечта автомобиль йўлларида фойдаланишда грунтларнинг ички ишқаланиш бурчаги 15%, эластиклик модули 10%, сувга чидамлилиги 25% га ошган, кўпчиш қиймати ва муқобил намлигини 20% га камайтириш имкони яратилган;

шўрланган грунтлардан қурилган йўл пойи ишчи қатламининг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш усули Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфидаги Фарғона вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасида тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2017 йил 24 ноябрдаги 05-4007-сон маълумотномаси). Натижада Данғара тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига қарашли «4Р-126 Балиқчи қ. – Мингбулоқ қ. – Найман қ. – Пунган қ.» II тоифали автомобиль йўлининг 82-88 км бўлагида автомобиль йўлининг фойдаланиш даврийлигини бир неча йилга узайтириш имкони яратилган;

тадқиқотнинг асосий натижалари меъёрий ҳужжатларда, жумладан ИҚН 56-10 «Шўрланган грунтларда йўл пойини лойиҳалаш ва қуриш бўйича тавсиялар», ИҚН 70-12 «Йўл пойининг сув-иссиқлик тартибини бошқаришни лойиҳалаш услублари бўйича қўлланма», ИҚН 84-13 «Ўзбекистоннинг турли регионларида автомобиль йўллари грунтларининг зичлик нормалари бўйича йўриқнома», ИҚН 104-14 «Автомобиль йўлларини лойиҳалашда ёнбағир ва қияликларнинг турғунлик даражасини ҳисоблаш бўйича йўриқнома», ИҚН 113-16 «Автомобиль йўлларининг кенгайтириладиган участкаларидаги йўл пойининг турғунлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича йўриқнома», ИҚН 121-17 «Юқори намликдаги грунтлардан автомобиль йўлларининг пойини қуриш бўйича йўриқнома»ларга киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2017 йил 24 ноябрдаги 05-4007-сон маълумотномаси). Натижада йўл пойининг мустаҳкамлиги ортиши ҳисобида йўлнинг хизмат муддатини ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш chop этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг асосий илмий натижаларини chop этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналларда, хорижий ва республика миқёсидаги конференцияларда 15 таси нашр этилган. Республика миқёсидаги 6 та меъёрий ҳужжатни тайёрлашда фойдаланилган, 1 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шўрланган грунтли йўл пойининг ҳолатлари ва унинг ҳисобий кўрсаткичларини яхшилаш ҳақидаги маълумотлар**» деб номланган биринчи бобида автомобиль йўл пойи асосидаги тупроқларнинг шўрланиш манбаалари ва шўрланган грунтларнинг кимёвий таркиби, йўл қурилишида шўрланган грунтларга оид амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар, юза-фаол моддалар ёрдамида грунтларнинг хоссаларини яхшилаш бўйича назарий ва амалий ишланмалар, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, биринчи боб бўйича хулосалар келтирилган.

Ўзбекистон шароитида автомобиль йўллари кўтармаларида фойдаланилиши мумкин бўлган шўрланган грунтлар шўртоб, шўрхок, шўрлар ва тақирлардан иборат бўлиб, енгил эрийдиган тузларнинг таркиби ва миқдори билан фарқланади. Улар кўп ҳолларда рельефнинг ботиқ жойларида: тоғ бағри шлейфлари, пасттекисликлар, шўр кўл қирғоқлари, қайирлар, суффозия натижасида юзага келган чўл зоналарида, яъни минераллашган сувлар ер юзасига яқин жойлашган (1 - 3 м) жойларда ҳосил бўлади.

Шўрланган грунтлар ҳосил бўлишининг асосий омили ер юзасига яқин жойлашган минераллашган грунт сувлари ва тузли тоғ жинсларидир. Мазкур жойларда сув оқшининг имкони йўқлиги ва буғланиш миқдори ёғингарчилик миқдоридан кўп бўлиши шўрланишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон худудида ерларнинг шўрланиши билан Ахмедов А.У., Анорбоев С.А., Агзамова И.А., Нерозин А.Е., Панков М.А., Роговская Н.В., Султонходжаев А.Н., Ходжибаев Н.Н., Гофуров В.Ғ. ва бошқа олимлар шуғулланганлар. Уларнинг тадқиқотлари автомобиль йўллари асосидаги тупроқларнинг асосий шўрланиш манбаалари-атмосфера ва суғориш сувлари ва уларнинг бўғланиши эканлигини кўрсатади.

Шўрланган грунтларни йўл пойи ва тўшамасида фойдаланилиш жиҳатини ҳисобга олиб улар хлоридли, сульфат-хлоридли, хлорид-сульфатли, сульфатли ва содали, шунингдек шўрланиш даражаси бўйича кучсиз, ўртача, кучли ва ўта кучли шўрланган турларга бўлинадилар.

Ўзбекистоннинг турли табиий шароитли минтақаларида ҳар хил миқдорли ва таркибли шўрланган грунтлар учрайди. Шўрланишда иштирок этувчи энг кўп тарқалган тузлар қуйидагилардир: $NaCl$, $Na_2SO_4 \cdot 10H_2O$, $MgSO_4 \cdot 7H_2O$, $MgCl_2 \cdot 6H_2O$, $CaCl_2 \cdot 6H_2O$, $NaHCO_3$, $Na_2CO_3 \cdot 10H_2O$, $CaCO_3$ ва $CaSO_4 \cdot 2H_2O$. Келтирилган енгил эрувчи тузларнинг грунтдаги миқдори ва тури унинг физик-механик хоссаларини белгилайди.

Йўл пойи грунтларининг шўрланиш даражасининг уларнинг ҳисобий кўрсаткичлари ва физик-механик хоссаларига таъсирини хорижий давлат олимларидан: Braja M.D., David G.P., Kuhn W., Neal B.G.; МДХ олимларидан: Бабков В.Ф., Безрук В.М., Бартоломей И.Л., Грот А.И., Иерусалимская М.Ф., Карпов Б.Н., Карпушко М.О., Кулижников А.М., Ликов В.А., Мотылев Ю.Л., Налетова Н.С., Ольховиков В.М., Роговская Н.В., Сергеев Е.М., Сиденко В.М., Сухоруков А.В., Шульгина В.П., Ушаков В.В., Кузнецов Ю.В., Мордович С.С. ва Ўзбекистонлик олимлардан: Бабаханов П.Б., Илёсов Н., Қаландаров Т.Х., Каюмов А.Д., Рождественский Е.Д., Расулов Х.З., Ступакова Л.Ф., Ҳасанов А.З. ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Юза-фаол моддалар (ЮФМ) ёрдамида боғланган грунтларнинг физик-механик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тадқиқотларни Безрук В.М., Кострико М.Т., Марков Л.А., Парфенов А.П., Петрашев А.П., Пугачев Б.В., Ребиндер П.А., Сергеев Е.М., Серб-Сербина Н.Н., Черкасов И.И. ва бошқа олимлар олиб боришган.

Ҳозирги вақтда грунтларнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссасини барқарорлаштириш учун фойдаланиладиган ЮФМ: T-RRP, Soiltac®, Durasoil, Статус, ECOroads – грунтли йўл пойи кўтармасининг ҳисобий кўрсаткичлари (эластиклик модули, боғланиш кучи ва ички ишқаланиш бурчаги)ни яхшилаш имконини беради.

Юқорида келтирилган муаллифларнинг тадқиқот ишлари ва амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг таҳлили уларда келтирилган шўрланган грунтларнинг деформация ва мустаҳкамлик кўрсаткичларини қайта кўриб чиқиб, аниқлаштириш зарурлигини талаб қилади.

Ҳисобий даврда шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, хусусан, бу тавсифларнинг МКН 46-08 да келтирилган кўрсаткичлардан фарқловчи омиллар қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Шўрланган грунтларнинг худди шу таркибдаги гилли грунтлардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари, энг аввало, уларда турли ва ҳар хил миқдорли тузларнинг мавжудлиги;

2. Дала шароитида ҳисобий кўрсаткичларни аниқлашда, шўрланган грунтларнинг ҳақиқий зичлигини МКН 46-08 да кўзда тутилган зичликдан фарқ қилиш эҳтимоли;

3. Амалдаги шўрланган грунтли йўл пойи ишчи қатламининг тузилмасини меъёрларда келтирилган ишчи қатламнинг тузилмасидан фарқ қилиш эҳтимоли.


Шундай қилиб, автомобиль йўли пойидаги шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичлари уларнинг шўрланиш миқдори ва турига боғлиқ бўлади, деб хулоса қилиш мумкин. Шунинг учун келтирилган кўрсаткичларнинг қийматларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг ҳар хил вилоятларидаги автомобиль йўл пойи кўтармаларида, шунингдек, лаборатория шароитида тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидланганлардан келиб чиқиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «Шўрланган грунтли йўл кўтармаларининг ҳисобий кўрсаткичларини белгилаш бўйича амалий ва илмий тадқиқотлар» деб номланган иккинчи бобида шўрланган грунтли йўл кўтармаларининг ҳисобий кўрсаткичларини белгилаш бўйича конструктив ечим, шўрланган грунтли йўл кўтармаларининг намлигини аниқлаш бўйича назарий тадқиқотлар, юза-фаол моддалар билан ишлов берилган шўрланган грунтларни ўрганиш, иккинчи боб бўйича хулосалар келтирилган.

Йўл пойи кўтармаларининг ишчи қатлам грунтлари биринчи галда ҳаракатланувчи юк остида кучланган ҳолатда ва сув-иссиқлик тартиби таъсирида бўлади. Йўл пойи сув тартиби бўйича тадқиқотлар таҳлили суғориладиган туманларда ишчи қатламнинг асосий намланиш манбаи суғориш тартиби билан боғлиқ ер ости сувларининг тартиби деган хулосага олиб келади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, Ўзбекистон шароитида шўрланган грунтли автомобиль йўл кўтармасининг ҳисобий кўрсаткичларини белгилаш учун 1-расмда келтирилган чизма тақлиф этилади.



1-расм. Йўл пойи кўтармасининг конструктив ечим - ҳисобий чизмаси

W_1 – бошланғич намлик, грунтлар зичлаштирилгандаги қулай намликка тенг, %;
 W_x – ҳисобий намлик, %; W_0 – оқувчанлик чегарасидаги намликка яқин намлик, %;
 Z_ϕ – фаол қатлам, м. h_P – грунт суви сатҳидан ер юзасигача бўлган масофа, м;

h_B — грунт суви сатҳидан йўл тўшамаси остигача бўлган масофа, м; h_B — ер юзасидан йўл кўтармасининг энг чекка нуқтасигача бўлган масофа; H_O — йўл тўшамаси қалинлиги; n_O — йўл ёни кенглиги; i — йўл ёни қиялиги; GCC — грунт суви сатҳи.

1-расмда берилган чизмада фаол ишчи қатлам чегараси автомобиль йўлининг йўл тўшамаси тузилмаси юзасидан маълум чуқурликда ва грунт сувлари сатҳидан маълум баландликда жойлашган. Намланиш грунт сувлари сатҳидан капилляр кўтарилиш натижасида содир бўлади. Грунт сувлари сатҳи вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин, бунда капилляр гардиш (капилляр диаметри) юзаси ҳам ўзгариб туради.

1-расмда келтирилган конструктив ечим-чизманинг таҳлили йўл тўшамасини лойиҳалашда фойдаланиладиган, унинг остидаги шўрланган грунтларнинг мустаҳкамлиги, шунингдек, деформация кўрсаткичлари уларнинг зичлиги, намлиги, шўрланиш миқдори ва турига боғлиқ бўлишини кўрсатади. Бу боғлиқликни қуйидаги функционал боғланиш орқали ифодалаш мумкин, яъни:

$$\left. \begin{aligned} E &= f_1(K_z, W_x, N, A) \\ C &= f_2(K_z, W_x, N, A) \\ \varphi &= f_3(K_z, W_x, N, A) \end{aligned} \right\}, \quad (1)$$

бу ерда: E - эластиклик модули; C - боғланиш кучи; φ - ички ишқаланиш бурчаги; K_z - грунтларнинг зичлаштириш коэффиценти; W_x - ҳисобий намлик, оқувчанлик чегарасидаги намликка нисбатан; N - шўрланиш миқдори; A -тузларнинг тури.

(1) функционал боғланишни белгилаш учун, аввало, ҳисобий намлик W_x ва зичлаштириш коэффиценти K_z ларни аниқлаш лозим.

Диссертация ишида қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, (1) функционал боғланишда келтирилган K_z , W_x , N , A ларнинг қийматларини алоҳида ва биргаликда E , C , φ га таъсирини лаборатория ва дала шароитида ўрганиш талаб қилинади.

Юқоридаги фикрлар, шунингдек, шўрланган грунтларнинг гил зарраларига ижобий таъсирини кучайтирувчи анионфаол ЮФМнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, янги барқарорлаштирувчи «Битумли эмульсия» ишлаб чиқилди. Унинг таркиби битум, госсипола смоласи, натрий гидрооксиди ва сув аралашмасидан таркиб топган эмульгатор; юза-фаол модда моно-этоломиндан иборат. Булар қуйидаги масса-қисмлардан иборат: битум—8, госсипола смоласи—22, моноэтоломин—0,3, натрий гидрооксиди—0,02—0,03 ва қолгани сув.

Диссертациянинг «Шўрланган грунтларни лаборатория шароитида ўрганиш бўйича тадқиқотлар» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилаётган грунтларнинг тавсифи ва намуна тайёрлаш, тажрибани режалаштириш ва унинг натижалари, битумли эмульсия билан барқарорлаш-

тирилган шўрланган грунтларни ўрганиш, шунингдек учинчи боб бўйича хулосалар келтирилган.

Шўрланган грунтлар таркибида учрайдиган тузлар миқдори ва турини грунтларнинг сув-физик-механик хоссасига таъсирини аниқлаш учун Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг «Гидрогеология ва геофизика» кафедраси ва Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфидаги автомобиль йўллари илмий тадқиқот институтининг лаборатория шароитида махсус тадқиқотлар ўтказилди. Грунтларнинг кимёвий таркиби «ГИДРОИНГЕО» ДК даги кимёвий лабораторияда аниқланди.

В.М. Безрук, Ю.Л. Мотылев, Л.Ф. Ступакова ва бошқалар ишларининг таҳлиллари Ўзбекистоннинг табиий шароитида сульфат ва хлорид - сульфатли шўрланишдаги кучли ва ўта кучли шўрланган грунтлар кўпроқ учрашини кўрсатади. Шунинг учун лаборатория шароитида хлоридли ($NaCl$) ва сульфатли ($Na_2SO_4 \cdot 10H_2O$, $MgSO_4 \cdot 7H_2O$) тузларнинг 1-12% миқдори, шунингдек, кристалл ҳолатдаги гипс ($CaSO_4 \cdot 2H_2O$) тузларнинг 10-50% миқдори билан сунъий шўрланган грунтлар устида тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқот ишлари учун 4Р1-Тошкент халқа автомобиль йўлининг 16-20 км дан олинган икки хил шўрланмаган лёссимон грунтлардан фойдаланилди.

Енгил эрувчи тузларнинг миқдори бўйича тадқиқот ўтказилаётган грунтлар кам шўрланган грунтларга тааллуқли. Грунтларнинг гранулометрик таркиби элак ва пипетка ёрдамида дастлабки ювиш билан аниқланди.

Тадқиқотлар учун грунтларни шўрлаш жараёни қуйидагича олиб борилди: ҳавода қуритилган енгил чангли суглинок ёки оғир чангли супесь ховончада майдаланиб, тешигининг диаметри 1 мм ли элакдан ўтказилди, унга керакли миқдор ва турдаги тузнинг сувдаги эритмаси қўшилди. Эритма қўшилган грунт эксикаторда уч сутка сақланди. Шўрланган грунтли аралашма ҳавода қайтадан қуритилгандан сўнг ховончада майдаланиб, тешиклари 1 мм ли элакдан ўтказилди. Элакдан ўтказилган грунтга тажрибалар мақсадидан келиб чиқиб, керакли миқдорда намлик ва зичлик берилди.


Дала шароитида мавжуд автомобиль йўлларида олиб борилган тадқиқотлар йўл пойидаги грунтларнинг кўпчилиги оғир чангли супеслардан иборатлигини кўрсатади. Шунинг учун лаборатория шароитидаги тадқиқотлар шўрланган оғир чангли супесларда олиб борилди. Грунт намунаси 0,60; 0,70; 0,80; 0,90 $W_{ок}$ намликкача намланди ва диаметри 7,1 см ва баландлиги 3,5 см бўлган металл ҳалқада керакли зичлаштириш коэффициентлари 0,94; 0,96; 0,98; 1,00; 1,02 гача зичланди. Сўнг грунт намунаси металл ҳалқа билан бирга «Маслов-Лурье» асбобига ўрнатилиб, шўрланган грунтнинг боғланиш кучи C ва ички ишқаланиш бурчаги ϕ аниқланди.

Худди юқорида келтирилган тартибда диаметри 10 см ва баландлиги 11 см бўлган металл ҳалқада шўрланган грунт намунаси тайёрланди. Талаб қилинган зичлаштириш коэффициенти гача зичланган грунт намунасининг юзасига диаметри 3 см бўлган штамп ўрнатилиб, елкали қурилма ёрдамида эластиклик модули E аниқланди.

Олдимизга қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва тажриба натижасида олинадиган қийматларни асослаш учун уларни «қайта тикланиш» дисперсияси S_0 баҳоланади. Лаборатория шароитида аниқланган шўрланган супесли грунтларнинг боғланиш кучи, ички ишқаланиш бурчаги ва эластиклик модулини такрорланиш дисперсияси ҳисоблаб чиқилган ҳамма ҳолатларда ҳам ўртача квадратик хатолик 5% дан кам бўлди.


Лаборатория шароитида сунъий шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлашдан аввал Москва давлат университетининг «Муҳандислик геологияси ва экологик муҳитнинг ҳимояси» кафедрасида улар электрон НІТАСНІ - 800 микроскопи ёрдамида 250-400 маротаба катталаштириб ўрганилди.

Ҳар хил намлик (0,60; 0,70; 0,80; 0,90 $W_{оқ}$) ва зичликларда (зичлаштириш коэффициентлари 0,94; 0,96; 0,98; 1,00; 1,02) хлоридли ($NaCl$), сульфатли ($Na_2SO_4 \cdot 10H_2O$) ва кристалл ҳолатдаги гипсли ($CaSO_4 \cdot 2H_2O$) тузлар билан шўрланган грунтли намуналарнинг эластиклик модули, боғланиш кучи ва ички ишқаланиш бурчагининг шўрланиш миқдориға боғлиқлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари 2-4 расмларда кўрсатилган.




2-расм. $NaCl$ билан шўрланган грунтлар эластиклик модулининг шўрланиш миқдори ва намлигига боғлиқлик графиги:

$K_3=1,00$; 1- $0,60W_{ок}$; 2- $0,70 W_{ок}$; 3- $0,80W_{ок}$; 4- $0,90W_{ок}$



3-расм. $NaCl$ билан шўрланган грунтлар ички ишқаланиш бурчагининг шўрланиш миқдори ва намлигига боғлиқлик графиги:

$K_3=1,00$; 1- $0,60W_{ок}$; 2- $0,70 W_{ок}$; 3- $0,80W_{ок}$; 4- $0,90W_{ок}$



4-рasm. NaCL билан шўрланган грунтлар боғланиш кучининг шўрланиш миқдори ва намлигига боғлиқлик графиги:
 $K_3=1,00$; 1- $0,60W_{ок}$; 2- $0,70 W_{ок}$; 3- $0,80W_{ок}$; 4- $0,90W_{ок}$

Тажрибани математик режалаштириш асосида сульфат ва хлорид-сульфатли (CXC) ҳамда хлоридли ва сульфат-хлоридли (XCH) шўрланган грунтларнинг зичлаштириш коэффиценти X_1-K_3 , ҳисобий намлик X_2-W_x ва шўрланиш миқдори X_3-N га кўра ҳисобий кўрсаткичларининг ўзгаришини тавсифловчи регрессия тенгламаларини олишга ҳаракат қилинди:

Сульфат ва хлорид-сульфат тузлари билан шўрланган грунтлар учун:

Эластиклик модули:

$$y_E^{cxc} = 50,75 + 11,75X_1 - 18X_2 - 4,75X_3 + 0,25X_1X_3; \quad (2)$$

Ички ишқаланиш бурчаги:

$$y_{\phi}^{cxc} = 22,375 - 0,377X_1 - 2,124X_2 - 4,623X_3 - 0,376X_1X_2 - 1,125X_1X_3 + 125X_1X_2X_3; \quad (3)$$

Боғланиш кучи:

$$y_C^{cxc} = 0,037 + 0,014375X_1 - 0,011125X_2 - 0,005125X_3 + 0,000375X_1X_2 + 0,000375X_1X_3 + 0,000375X_2X_3 + 0,000375X_1X_2X_3; \quad (4)$$

Хлорид ва сульфат-хлорид тузлари билан шўрланган грунтлар учун:

Эластиклик модули:

$$y_E^{xch} = 49 + 10,5X_1 - 16,5X_2 - 5X_3; \quad (5)$$

Ички ишқаланиш бурчаги:

$$y_{\phi}^{xch} = 21,075 - 1,312X_1 - 2,12X_2 - 5,32X_3X_2 - 2,125X_1X_3 + 1,27X_1X_2X_3. \quad (6)$$

Боғланиш кучи:

$$y_C^{xch} = 0,047 + 0,014X_1 - 0,0115X_2 - 0,0055X_3; \quad (7)$$

«Битумли эмульсия» билан барқарорлаштирилган сунъий шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича лаборатория ва дала шароитида Фарғона вилоятидаги 4Р –126 «Балиқчи қ.–Мингбулоқ қ.–Найман қ. –Пунгон қ.» автомобиль йўлининг 82 км участкаларида тадқиқотлар олиб борилди. Бунда грунтларни синашда фойдаланилган елканли ускуналар, Маслов-Лурье асбоби ва бир юзали кесгич ускунасида фойдаланилди.

1-жадвалда «Битумли эмульсия» билан барқарорлаштирилган ва барқарорлаштирилмаган 5% *NaCl* билан сунъий шўрланган лёссимон енгил чангли супесларнинг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича лаборатория ишларининг натижаси келтирилган.

1-жадвал

«Битумли эмульсия» билан барқарорлаштирилган ва барқарорлаштирилмаган сунъий шўрланган чангли енгил супеснинг ҳисобий кўрсаткичлари

Зичлаштириш коэффициенти K_z	Грунтнинг ҳисобий кўрсаткичлари					
	Барқарорлаштирилмаган			Барқарорлаштирилган		
	E , МПа	φ , град.	C , МПа	E , МПа	φ , град.	C , МПа
0,96	56	26	0,024	65	29	0,030
0,98	65	26	0,034	75	29	0,041
1,00	78	26	0,045	89	29	0,054

Изоҳ: грунтнинг ҳисобий кўрсаткичлари намлик 0,55 W_{OK} бўлганда аниқланган.

1-жадвалда келтирилган тадқиқот натижаларидан қуйидагилар маълум бўлди: зичлаштириш коэффициенти 1,0 бўлганда барқарорлаштирилган грунтларнинг эластиклик модули 89 МПа га ошди, яъни 12% га кўпайди; боғланиш кучи 0,054 МПа га етди, яъни 15% га ортди; боғланиш кучи 29 градусга кўпайди, яъни деярли 10% га ошди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон шароитида мавжуд шўрланган грунтлардан иборат автомобиль йўллари пойининг ҳисобий кўрсаткичларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар» деб номланган тўртинчи бобида йўл пойи ишчи қатламининг сув-тузли тартибини кузатиш натижалари, дала шароитида шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш, тадқиқот натижаларининг самарадорлиги, тўртинчи боб бўйича хулосалар келтирилган.

2010-2017 йиллар давомида олиб борилган дала шароитидаги тадқиқотлар кўтарма ҳолда қурилган шўрланган грунтли йўл пойида ўтказилди.

Сув-тузли тартиби ва амалдаги зичликни ўрганиш учун 1955-1965 йилларда қурилган ва ҳозирда фойдаланилаётган Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқобод–Кегейли автомобиль йўлининг 0,5 ва 3 км участкасида, Нукус–Халқобод автомобиль йўлининг 20,3 км участкасида, Чимбой–Тахта-Кўпир автомобиль йўлининг 7,2 км участкасида, Хўжайли–Шуманай автомобиль йўлининг 5,1 км участкасида, Халқобод–Чимбой автомобиль йўлининг 14,8 км участкасида; Бухоро вилоятидаги М-39 «Олмота–Бишкек–Тошкент–Термиз» автомобиль йўли Когон–Қоровулбозор қисмининг 9 ва 22 км участкасида, М-37 «Самарқанд–Ашхобод–Туркман-

боши» автомобиль йўли Бухоро-Жондор қисмининг 10 ва 22 км участкасида; 2010-2012 йилларда қурилган Сирдарё вилоятидаги 4Р-33 «Ульянов-Найман (Гулистон-Гагарин)» автомобиль йўлининг 20 км участкасида ва Фарғона вилоятидаги 4Р-126 «Балиқчи қ.–Мингбулоқ қ.–Найман қ.–Пунгон қ.» автомобиль йўлининг 82 км участкаларида тадқиқотлар олиб борилди.

Дала шароитида ўтказилган тадқиқот ишларининг асосий вазифаси йўл пойи ва тўшамаси ҳолатини ўрганиш, тадқиқот ўтказилаётган участкалардаги кўндаланг кесимларда йўл пойида намлик ва зичликни, шунингдек тузлар миқдори ва турининг чуқурлик бўйича ўзгаришини ўрганиш деб белгиланди.

Кузатувлар йўл қурилиши давридаги бошланғич зичланганлик қийматининг камайиш томонга ҳам, ортиш томонга ҳам ўзгаргани, бироқ бу ўзгаришнинг мутлақ қиймати $0,03\delta_{cm}$ дан ошмаслигини кўрсатди.

Дала тадқиқот ишлари натижасидан келиб чиқиб, кўтарма грунтларининг зичлаштириш коэффициенти K_z ни кўтарманинг ҳамма баландлиги бўйича, амалдаги зичлаштирувчи машиналар ёрдамида эришиладиган, 2-жадвалда тавсия қилинган кўрсаткичлар асосида белгилаш таклиф қилинди.

2-жадвал

Шўрланган грунтли ишчи қатламнинг тавсия этилган
зичлаштириш коэффициенти

Қатламнинг қоплама юзасидан чуқурлиги, м	Қатлам қалинлиги, м	Зичлаштириш коэффициенти, K_z
$H_{й.т}+0,4$ гача	0,40	1,02+битумли эмульсия
$(H_{й.т}+0,4)\div 1,0$	0,60	1,00
$(H_{й.т}+1,0)\div 1,5$	0,50	0,98
Табиий асос	0,30	0,98+битумли эмульсия

Изоҳ: $H_{й.т}$ – йўл тўшамаси қалинлиги.

Юқорида тадқиқот ишлари олиб борилган автомобиль йўллари йўл пойи намлигини ўртача умумлаштирилган қиймати 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Намликнинг ўртача қиймати

Жойнинг намланиш бўйича тури	Грунтнинг ўртача намлик қиймати $W_{ок}$ га нисбатан	
	Енгил ва оғир суглинок	Чангли ва чангли оғир супесь, чангли суглинок
1	0,69	0,68
2	0,76	0,74
3	0,83	0,80

Мавжуд автомобиль йўлларида олинган грунтларда олиб борилган тадқиқотлар, шўрланган грунтларнинг шўрланиш даражасини 4-жадвалда келтирилган қийматлар билан тавсифлаш имконини беради.

Грунтларнинг шўрланиш даражаси

Грунтлар	Енгил эрувчи тузлар миқдори йиғиндисининг куруқ грунт массасига нисбати, % да	
	Хлоридли ва сульфат-хлоридли шўрланиш	Сульфатли ва хлорид-сульфатли шўрланиш
Кучсиз шўрланган	0,8-3	0,8-1,5
Ўртача шўрланган	3-6	1,5-4
Кучли шўрланган	6-11	4-10
